
Мактабгача таълим ташкилотлари ходимлари спорт мусобақаларида беллашдилар

Ўзбекистон туманидаги давлат мактабгача таълим ташкилотларида ишловчи аёл ходимлар спортнинг волейбол, стол тенниси, шашка ва армрестлинг турлари бўйича ўзаро беллашдилар.

Меҳнат жамоаларида соғлом турмуш тарзини кенг тадбиқ этиш, аёллар спортини ривожлантириш ва оммавийлигини ошириш ҳамда 8 март-Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан ташкилланган мусобақалар мурасасиз ва қизиқарли баҳсларга бой ўтди.

Ушбу спорт тадбирида 60 нафарга яқин хотин-қизлар иштирок этишди.

Ғолиб жамоалар ва мусобақанинг фаол иштирокчилари туман мактабгача таълим бўлими томонидан таъсис этилган диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.





2023-03-07 09:31:57